

Тасаддуқ (Оламлар сарвари Муҳаммад алайҳиссаломга очиқ мактуб)



19:00 / 06.01.2022 1721

Ўша кеча нима бўлса бўлди. (Қилмишимдан Аллоҳга тавба қилдим. Сизнинг шафоатингизга умид боғладим. Шу тавба ва умидим орқасида қайтиб оғзимга ичкилик олмадим, ё Расулуллоҳ.)

...Сўнг саҳар кирмасидан туриб ювиндим, кийимларимни алмаштириб, ўша дўстимнинг хонасига чиқдим. (Ётоқхонада турардик.) “Маишат”дан кейин бўладиган одатдаги бошоғриқдан асар ҳам йўқ, руҳим фавқулодда жуда тетик эди. Кайфиятимда ҳам ўзим билмаган бир ёрқинлик бор эди.

Уч-тўрт киши бирга саҳарлик қилиб, оғиз ёпдик. Бир пас рўза масалаларидан суҳбатлашдик. Кейин улар бомдод намози ўқигани чиқишди. Мен эса, дўстимнинг ўрнига чўзилдим. Кўзим илинибди. Ўшанда илк бор сизни кўрдим, ё Расулуллоҳ!

Қоматингиз, сўзларингиз, атворингиз худди саҳобаларингиз таърифлагандек эди. (Бу таърифларни кейинчалик ўқиб билдим.) Ўшанда безовта эдингиз. Мен Сизни безовта қилган нарса кечаги ишларим эканини билиб турардим. “Кимдир биринчи кунги рўзасини бузибди, энди ҳаммамиз бошқатдан тутамиз”, дедингиз. Лекин ўша бузғунчи ким эканини билиб туриб, айтмадингиз.

Ҳузурингизда уятдан ерга кириб кетгудек бўлдим. Сўнг уйғониб кетдим, дўстларим намоздан қайтишган экан.

Ўшанда илк бор поклик нелигини ҳис этдим, ё Расулуллоҳ!

Уни менга Сиз англариб кетдингиз, ё Расулуллоҳ! (Кейинчалик яна бир марта жамолингизни насиб айлаб, неларнидир айтмоқчи бўлдингиз! Унга ҳам анчалар бўлди.)

Ҳамон ўша покликни, муборак жамолингизни соғинаман, ё Расулуллоҳ, лекин Раббингиз дунё ҳавасларию журм-исёнларга ғарқ бандасига Ҳабибининг жамолини лойиқ кўрмаётир!

Ё Расулуллоҳ, сизни соғиниш, жамолингизни бир бор туш кўриш – бахт, қиёматда ёнингизда бўлиш эса минг чандон улуғ бахт...

Раббимизнинг бизга онажонларимиздан ҳам меҳрибонроқ эканини айтгансиз. Дарҳақиқат, биз Уни шундай топдик. Ахир, бўлмаса, бир кун олдин, Рамазондек муборак ойнинг илк кунда катта-катта гуноҳларни содир этиб турган бир бандасини эртасигаёқ, Исломнинг остонасидан ҳатлар-ҳатламас, саҳарлик билан сийлармиди, Расулининг жамолини изҳор этармиди?!

Ё Расулуллоҳ, Сизга салават ва саломлар йўллаймиз, Сизга салому салават йўллаш асносида Сизга лойиқ уммат бўлишимизда Аллоҳдан мадад тилаймиз.

Ё Расулуллоҳ, Сизни қиёмат кунда мақтовли мақомда тирилтиришини, Ҳавзи Кавсар бўйида бизни сиз ила дийдор кўриштиришини сўраймиз...

Тушларимга кириб тулинг, ё Расулуллоҳ!..

Бир умматингиз

Абдугафур Искандар